



# ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ ЎҚУВ МАРКАЗЛАРИНИНГ АҲОЛИНИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДА ҲАРАКАТ ҚИЛИШГА ТАЙЁРЛАШДАГИ РОЛИ

Хусанова С.И.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда  
вазиятлар вазирлиги Академияси хузуридаги  
Фуқаро муҳофазаси институти п.ф.д., профессор  
E-mail: Sumbula\_fmi@mail.ru

Аллашев А.К.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда  
вазиятлар вазирлиги Академияси хузуридаги  
Фуқаро муҳофазаси институти магистранти

**Аннотация:** Мақолада “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” ўқув марказларида тайёргарликдан ўтадиган тингловчиларнинг тоифалари, ҳар бир тоифанинг ўзига хос хусусиятлари ва функцияларига мос ишлаб чиқиладиган ўқув дастурлари ва машғулотларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш шакллари кенг ёритилган.

Марказларнинг аҳолини, раҳбар ходимлар ва мутахассисларни фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёrlашдаги роли, унинг амалий аҳамияти ва аҳолини муҳофаза қилиш, табий оғатлар, техноген авария ва ҳалокатлар хавфи тўғрисида ўз вақтида ҳамда аниқ хабардор қилиш тизимини такомиллаштириш йўналишидаги ишларни янада самарали ташкил этиш қаратилган тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** ҳаёт, фаолият, хавфсизлик, ўқув марказлари, аҳолини тайёрлаш, фавқулодда вазият, ҳаракат қилиш, тингловчилар тоифаси, ўқув дастур, таълим сифатини такомиллаштириш.

## РОЛЬ УЧЕБНЫХ ЦЕНТРОВ БЕЗОПАСНОСТИ ЖИЗНИ В ПОДГОТОВКЕ НАСЕЛЕНИЯ К ДЕЙСТВИЯМ В ЧРЕЗВЫЧАЙНЫХ СИТУАЦИЯХ

Хусанова С.И.

профессор, доктор педагогических наук, профессор кафедры  
«Планирование и управление ГСЧС» Институт гражданской защиты  
при Академии МЧС Республики Узбекистан



E-mail: Sumbula\_fmi@mail.ru

**Аллашев А.К.**

Магистрант Института гражданской защиты  
при Академии МЧС Республики Узбекистан

**Аннотация:** В статье рассматривается широкий круг категорий слушателей, проходящих обучение в учебных центрах “Безопасности жизнедеятельности”, учебные программы, разработанные с учетом специфики и функций каждой категории, формы организации и проведения обучения.

Описаны роль центров в подготовке населения, руководителей и специалистов к действиям в чрезвычайных ситуациях, ее практическое значение и даны рекомендации, направленные на более эффективную организацию работы по защите населения, совершенствования системы своевременного оповещения при возникновении стихийных бедствий техногенных аварий и катастроф.

**Ключевые слова:** жизнь, деятельность, безопасность, учебные центры, обучение населения, чрезвычайная ситуация, подготовка, категория слушателей, учебная программа, повышение качества образования.

## THE ROLE OF LIFE SAFETY TRAINING CENTERS IN PREPARING THE POPULATION TO ACTION IN EMERGENCY SITUATIONS

**Khusanova S.I.** Professor, Doctor of Pedagogical Sciences

Professor of the Department Planning and Management of the State system for Emergency Situations Institute of Civil Protection at the Academy of the Ministry of Emergency Situations of the Republic of Uzbekistan»

E-mail: Sumbula\_fmi@mail.ru

**Allashev A.K.**

Master student of the Institute of Civil Protection  
at the Academy of the Ministry of Emergency Situations of the Republic of Uzbekistan

**Annotation:** The article deals with a wide range of categories of students who are trained in the training centers “Life Safety”, training programs developed taking into



account the specifics and functions of each category, the form of organization and conduct of training.

The role of the centers in preparing the population, managers and specialists for actions in emergency situations is described, its practical significance and recommendations are given aimed at more effective organization of work to protect the population, improving the system of timely warning in the event of natural disasters, man-made accidents and catastrophes.

**Keywords:** life, activity, safety, training centers, public education, emergency situation, training, category of listeners, curriculum, improving the quality of education.

Дунёнинг турли мамлакатларидағи кенг миқёсли табиий оғатлар ва ҳалокатларнинг (зилзила, кўчки, сув тошқини ва ҳ.к.) оқибатларини бартараф этиш тажрибасига кўра, уларнинг оқибатларини бартараф этиб юмшатишнинг энг самарали ечими - бу аҳолининг фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилишга тайёргарлигини ошириш ҳисобланади.

Мамлакатнинг ҳар бир фуқароси фавқулодда вазиятларда ўз соғлиғи, ҳаёти ва моддий ресурсларини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга. Бунинг учун у муайян турдаги фавқулодда вазиятларда қандай ҳаракат қилишни билиши керак. Бундан ташқари, ҳар бир фуқаро муҳофаза воситалари тўғрисидаги билим кўникмага, улардан фойдаланиш қоидалари тўғрисида тасаввурга эга бўлиши билан бир қаторда, аҳоли ва ҳудудларни муҳофаза қилиш бўйича олиб борилаётган тадбирларда фаол иштирок этиши, табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш билан боғлиқ ҳодисаларни таҳлил қила олиши керак.

Барчамизга маълумки мамлакатимизда аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлаш ва уларнинг бу борадаги қўникмаларини ошириш масалаларига оид Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 17 августдаги “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, 2000 йил 26 майдаги “Фуқаро муҳофазаси тўғрисида”ги Қонунлари қабул қилинган бўлиб, “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли



фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 25-моддасида ҳамда “Фуқаро муҳофазаси тўғрисида”ги Қонунининг 16-моддасида “аҳолини мактабгача, умумий ўрта, ўрта маҳсус, профессионал ва олий таълим ташкилотларида, ишлаб чиқаришда ҳамда яшаш жойида фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга ўргатиш умумий ва мажбурийлиги” [1, 2] белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида” 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон Фармонига мувофиқ аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга ва фуқаро муҳофазаси соҳасида тайёрлаш тартибини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2019 йил 9 сентябрдаги “Аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга ва фуқаро муҳофазаси соҳасида тайёрлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 754-сонли қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор билан аҳолининг барча қатламларини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга ва фуқаро муҳофазаси соҳасида тайёрлаш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланган.

Қарорга асосан аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга ва фуқаро муҳофазаси соҳасида тайёрлашнинг асосий вазифалари этиб қўйидагилар белгиланган [3, 4]:

- давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари, ишчи ва хизматчиларининг фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ҳамда фуқаро муҳофазаси бўйича билимларини изчил ошириб бориш ва кўнікмаларини ҳосил қилиш;
- қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмалари, шунингдек, фуқаро муҳофазаси тузилмаларини фавқулодда вазиятларни бартараф этишга тайёрлаш;
- аҳолини, шу жумладан, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўймаганларни, мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари, умумий ўрта



таълим мактаблари ўқувчилари, ўрта маҳсус, касб-хунар ва олий таълим муассасалари талабаларини фавқулодда вазиятларда муҳофазаланиш, жабрланганларга биринчи ёрдам қўрсатиш, жамоавий ва шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш қоидалари ва усусларига ўргатиш.

Шунингдек мазкур қарорда:

- аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга ва фуқаро муҳофазаси соҳасида тайёрлаш идоравий мансублиги ва ташкилий-хуқуқий шаклидан қатъий назар барча ташкилотларда иш вақтида ҳамда яшаш жойларида ўтказилиши;
- аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга ва фуқаро муҳофазаси соҳасида тайёрлаш тадбирларига методик раҳбарлик қилиш, уларни мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан амалга оширилиши белгиланган.

Шунингдек, туманлар ва шаҳарлар миқёсидаги ташкилотлар раҳбарлари ва масъул мутахассислари, кутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари ва фуқаро муҳофазаси тузилмалари бошлиқлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг раҳбарлари - 3 йилда бир марта жамлаш режасига мувофиқ ҳудудий Фавқулодда вазиятлар бошқармалари “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” ўқув марказларининг малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида тайёргарликдан ўтиши белгиланган.

Юқорида белгиланган вазифаларни жойларда Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ўқув марказларида ҳудудий Фуқаро муҳофазаси бошлиғи томонидан тасдиқланган жамлаш режасига асосан тоифаларга бўлинган ҳолда 24 ва 30 соатлик ўқув дастурлари асосида ўқув марказида ҳамда жойларда кўчма машғулотлар ўтказиш орқали амалга оширилади.

Ҳудудий Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ўқув марказларида тайёргарликдан ўтадиган тингловчиларнинг тоифалар бўйича соатлар тақсимоти қўйидагicha:

Т/р	Тингловчилар тоифаси	Аудитория ўқув юкламаси		Мустақил таълим
		жами	жумладан	



			назарий	амалий	
1	Умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, касб-хунар таълими муассасалари директорлари ва уларнинг ўринbosарлари	30	14	10	6
2	Умумтаълим мактабларининг фанлари таркибига интеграция қилинган “Ҳаёт хавфсизлиги асослари” ўқув курси фан ўқитувчилари	30	16	10	4
3	Касб-хунар таълим муассасалари “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” ҳамда академик лицейлар, умумтаълим мактабларининг “Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик” фанлари ўқитувчилари	30	16	10	4
4	Фуқаро муҳофазаси тузилмалари командирлари	30	18	8	4
5	Туманлар ва шаҳарлар Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат қуий тизимига киравчи ташкилотлар раҳбарлари	30	14	12	4
6	Шаҳар ва туман ФВДТ хизматлари ва потенциал-хавфли обьектларнинг навбатчи диспетчерлари	30	18	8	4
7	Ташкилотлар, муассасалар ва корхоналар фуқаро муҳофазаси бўйича мутахассислари	30	18	8	4
8	Махалла фуқаролар йиғинлари раислари	30	16	10	4
9	Эвакуация комиссияси раислари, уларнинг ўринbosарлари	24	12	8	4
10	Фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва бартараф этиш худудий комиссияси аъзолари	24	10	10	4
11	Иқтисодиёт обьектлари фаолиятининг барқарорлигини ошириш комиссияси раислари	24	14	8	2



12	Мактабгача таълим муассасалари раҳбарлари	24	14	8	2
13	Болаларни соғломлаштириш оромгоҳлари ва дам олиш муассасалари раҳбарлари	24	12	10	2

Мазкур тоифалар билан ўтказиладиган машғулотларда тингловчиларга аҳоли ва худудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича қабул қилинган норматив-хуқуқий хужжатлар мазмун-моҳияти, содир бўлиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятлар ва уларда ҳаракат қилиш қоидалари, аҳоли ва худудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тадбирларини режалаштириш ва ташкил этиш, фуқаро муҳофазаси хужжатларини ишлаб чиқиш, фавқулодда вазиятлар ва ёнғинлар содир бўлганда эвакуация тадбирлари, фуқаро муҳофаза ўқув машқларига тайёргарлик қўриш ва ўтказиш тартиби, жабрланганларга биринчи ёрдам қўрсатиш, жамоавий ва шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш қоидалари ва усулларига ўргатишга оид билимлар берилади.

Ушбу машғулотлар ҳар бир тингловчи тоифалари йўналишлари бўйича тасдиқланган ўқув дастурлари асосида ташкил этилади ва ҳар бир тоифанинг ўзига хос хусусиятлари ва функцияларига алоҳида эътибор қаратилади. Хусусан,

- умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, касб-хунар таълими муассасалари директорлари ва уларнинг ўринбосарлари билан машғулотларни олиб бориш жараёнида таълим муассасаларида “Фуқаро муҳофазаси куни” ҳамда “Ёш қутқарувчи” кўнгиллилар спорт мусобақаларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби, ўқитувчи ва ходимларини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга ва фуқаро муҳофазаси соҳасида тайёрлаш бўйича ўқитишни ташкил этишга;

- умумтаълим мактабларининг фанлари таркибига интеграция қилинган “Ҳаёт хавфсизлиги асослари” ўқув курси, касб-хунар таълим муассасалари “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” фани ҳамда академик лицейлар, умумтаълим мактабларининг “Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик” фанлари ўқитувчилари билан ўтказиладиган машғулотларда “Ҳаёт хавфсизлиги асослари” ўқув курси мавзуларини



бошқа фанларга боғлашнинг ўзига хос хусусиятлари, дарсдан кўзланадиган мақсад ва вазифаларга қараб дарснинг тўғри ташкил этилиши, қўлланадиган усуллар, интеграциялашган машғулотларда фойдаланиладиган интерфаол усуллар, мавзуларни “Ёш қутқарувчи” кўнгиллилар клублари мусобақаларининг турлари шаклида ўтказиш тартиби, ўқувчилар эътиборини жалб қилишнинг руҳий-педагогик усуллари, стресслинг енгиш машқлари, фуқаро муҳофазаси бўйича мавзуларни ўқитишида фойдаланиладиган интерактив услублар қўллашга;

- фуқаро муҳофазаси тузилмалари командирлари билан машғулотларни олиб бориши жараёнида фуқаро муҳофазаси тузилмаларини тузиш, моддий-техник таъминот воситалари билан таъминлаш, фуқаро муҳофазаси (қутқарув) тузилмалари шахсий таркибини фавқулодда вазиятларни бартараф этишга тайёрлаш ва уларни жалб этиш тартиби, фавқулодда вазиятларда қутқарув ишларини олиб бориши тартиби, қутқарув ишларида хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш, қутқарув ишларида фуқаро муҳофазаси тузилмалари фаолиятини мувофиқлаштириш чора-тадбирларини ўргатишига;

- туманлар ва шаҳарлар Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат қўйи тизимига кирувчи ташкилотлар раҳбарларини тайёрлашда асосий масалалар этиб ФВДТнинг тузилиши ва асосий вазифалари, ФВДТ кучларинининг қутқарув ишларини олиб боришдаги ўзаро ҳамкорлиги, қутқарув тузилмаларининг ФВДТ режимларида фаолият юритиши тартибини ўргатишига;

- шаҳар ва туман ФВДТ хизматлари ва потенциал-хавфли обьектларнинг навбатчи диспетчерларини ўқитиши дастурида ФВДТнинг тузилиши ва асосий вазифалари, фавқулодда вазиятлар мониторинги ва прогнозини олиб бориши тартиби ва усуллари, мониторинг ва прогноз натижалари асосида чора-тадбирларни ишлаб чиқиши, фавқулодда вазиятга олиб келувчи потенциал манбаларни барвақт аниқлаш, улар бўйича тизимли кузатув ва назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш, фавқулодда вазиятларда шароитга баҳо бериш ва бартараф этиш бўйича қарор қабул қилиш, уларни бартараф этиш тезкор штабининг функциялари, фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва оқибатларини бартараф этишида ФВДТ хизматлари



билин ахборот алмашинувини ташкил этиш ва амалга ошириш, фавқулодда вазиятларни бартараф этишга жалб қилинган қутқарув хизматларининг ўзаро ҳамкорлигини мувофиқлаштиришга;

- ташкилотлар, муассасалар ва корхоналар фуқаро мухофазаси бўйича мутахассисларини тайёргарликдан ўтказишда фавқулодда вазиятлардан мухофаза қилиш ва фуқаро мухофазаси тадбирларини режалаштириш ва ҳисботларни тайёрлаш ҳамда бошқарув органлари ишларини ташкиллаштириш, ўкув машқларини ўтказиш бўйича хужжатларни ишлаб чиқиш, ўтказишга тайёргарлик қўриш ва ташкиллаштиришга;

- маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари билан машғулотларни олиб борища маҳаллада “Маҳалла фуқаро мухофазаси” тузилмаси фаолиятини шакллантириш, аъзоларини жамлаш ва моддий-техник таъминлаш, фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этишга жалб этиладиган куч ва воситалар билан ҳамкорликни амалга ошириш, ФВДТ хизматлари билан алоқани ташкил этиш, “Дикқат барчага!” хабар бериш сигналига асосан аҳолининг ҳаракатини мувофиқлаштиришга ва ҳ.к. эътибор қаратилади.

Ўкув курслари давомида тингловчиларнинг аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан мухофаза қилиш, фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш, фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш бўйича малакалари оширилади ҳамда фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва содир бўлганда оқибатларини бартараф этиш бўйича ўзига юклатилган вазифаларни бажаришга оид билим ва кўникмалари ривожлантирилади.

Ўкув курслари давомида тингловчилар назарий машғулотлар давомида аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан мухофаза қилиш бўйича қабул қинган меъёрий-хуқуқий ҳужжатларнинг мазмун ва моҳияти, фуқароларнинг фуқаро мухофазаси соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари, фавқулодда вазиятлар хавфи туғилганида ва содир бўлганида ҳаракат қилиш, фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва бартараф этиш ҳаракатлари режаларининг моҳияти ва тузилиши, фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этувчи куч ва воситалар, уларнинг имконияти,

фавқулодда вазиятлардан муҳофазаланиш усуллари, фавқулодда вазиятлар шароитида ўзига ва бошқаларга биринчи ёрдам кўрсатиш қоидалари ва тартиби, фуқаро муҳофазасининг огоҳлантириш сигналлари асосан ҳаракатланиш, жамоавий ва шахсий муҳофаза воситаларидан фойдаланиш қоидаларини ўзлаштириш имконига эга бўладилар [6].

Бундан ташқари аҳолини тайёрлаш борасида ҳар ҳафтанинг чоршанба кунлари ташкилотларда ва маҳаллаларда аҳолининг “Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва ёнғинлар профилактикаси” куни ўтказилади.

Ўқув маркази ходимлари томонидан “Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва ёнғинлар профилактикаси” куни доирасида:

- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида банд бўлган аҳоли, мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари, умумий ўрта таълим мактаблари ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълим муассасалари ўқувчилари ҳамда олий таълим муассасалари талabalari билан семинарлар ва мавзули ўқув машғулотлари ўтказилади, уларга тарғибот-ташвиқот материаллари тарқатилади ва зарур тадбирлар юзасидан тавсиялар берилади;

- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида банд бўлмаган аҳоли билан сухбатлар ўтказилади, маъruzalap ўқилади, уларга эслатмалар, буклетлар тарқатилади, шунингдек, фавқулодда вазиятлар, шу жумладан, ёнғинларга олиб келадиган омилларни барвақт аниқлаш ва бартараф этиш, улар содир бўлганда тўғри ҳаракат қилиш усуллари ўргатилади.

Айнан таълим одамларга содир бўлган ўзгаришларга мослашишга ва янги тизимда ўзларини муваффақиятли рўёбга чиқаришга ёрдам беради.

Шунингдек, аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятларда муҳофaza қилиш, фуқароларни бундай вазиятлар рўй берганда тўғри ҳаракат қилишга ўргатиш, хавфли табиий жараёнлар кучайиши билан боғлиқ мавжуд хатарлар, шунингдек, техноген авария ва ҳалокатлар хавфи тўғрисида ўз вақтида ва аниқ хабардор қилиш тизимини такомиллаштириш йўналишдаги ишларни янада самарали ташкил этиш имконини беради [5].



Аҳолини, раҳбар ходимлар ва мутахассисларни фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қуидагилар тавсия этилади:

- ўқув марказларини мутахассис кадрлар билан жамлаш ва уларнинг салоҳиятини ошириш;
  - ўқув марказлари моддий-техник базасини такомиллаштириш;
  - раҳбар ходимлар ва мутахассисларни тайёргарлиги қамровини кўпайтириш учун масофавий тайёргарликдан ўtkазишни йўлга қўйиш;
  - ахборот-ресурс марказларини соҳага оид адабиётлар билан таъминлаш;
  - зилзила билан боғлиқ фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш бўйича ўқув тренажерлари (симулятор) билан таъминлаш;
  - хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш ва уларни амалиётга жорий этиш ва
- Х.К..

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда Республикаизда фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигини инсон фаолиятининг барча соҳаларида муҳофазалашда Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ўқув марказларининг роли бекиёс, чунки техносферада ишлаб чиқариш жараёнинг бузилиши, ишловчилар учун санитария ва гигиена меъёр ва қоидаларини яратилмаслиги, муҳит ривожланишдаги нохуш вазиятларнинг мураккаблашуви, давлатлар ўртасида инсоният ҳаётига хавф-хатар солувчи ҳолатларнинг рўй бериши, инсоният томонидан кўлланилаётган турли заҳарли ва заарли моддалар ва воситалар кўплаб хавфларни юзага келтириб, инсонларнинг ҳаётий фаолиятига, соғлигига, атроф-муҳит тозалигига ва иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига таҳдид солади. Шу сабабли ҳам мамлакатимизнинг энг муҳим ва кечиктириб бўлмайдиган вазифалари қаторида аҳоли ҳаётининг хавфсизлигини таъминлашнинг самарадорлигини ошириш алоҳида аҳамиятга эга.



### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 17 августдаги “Аҳолини ва худудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майдаги “Фуқаро муҳофазаси тўғрисида”ги Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 июндаги “Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш тизими самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5066-сонли Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2019 йил 9 сентябрдаги “Аҳолини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга ва фуқаро муҳофазаси соҳасида тайёрлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 754-сон қарори.
5. Тўраев З.Т, Махмудов А.А., Сулеймонов Б.С., “ФВДТ Бошқарув органлари куч ва воситалари билан тактик-махсус ўқув машқларини тайёрлаш ва ўтказиш тартиби”, Услубий қўлланма – Т., 2014. 27-28-б.
6. Абидова Ф.А., “Фавқулодда вазиятларда аҳолининг ҳаракатлари бўйича тавсиялар” – Т., 2017. 126.

